

“Ёш ҳуқуқшунос” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом маҳаллалардаги ёшлар ўртасида “Ёш ҳуқуқшунос” кўрик танлови (бундан буён матнда танлов деб юритилади)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Танловнинг мақсади мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш, ўқувчилар эришаётган натижаларни тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг шукроналик ҳисси билан улғайишларини таъминлашдан иборат.

3. Танлов маҳалла, сектор, маҳаллий, ҳудудий ва Республика босқичида ўтказилади.

4. Танловда етти ёшдан ўттиз ёшгача бўлганлар иштирок этади.

5. Танлов “Ёш ҳуқуқшунос” танловини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита ва ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб юритилади) томонидан ташкил этилади.

2-боб. Танловни ташкил этиш тартиби

6. Танловнинг босқичлари:

1-босқич – маҳалла босқичи **15 май кунига қадар**;

2-босқич – сектор босқичи **20 май кунига қадар** секторлар ҳудудида жойлашган маҳалла босқичида ғолиб бўлган иштирокчилар ўртасида;

3-босқич – туман (шаҳар) босқичи сектор босқичида ғолиб бўлган иштирокчилар ўртасида **1 июнь кунига қадар** туманлар миқёсида;

4-босқич – ҳудудий босқичи туман босқичида ғолиб бўлган иштирокчилар ўртасида **10 июнь кунига қадар** Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар миқёсида;

5-босқич – республика босқичи **25 июнь** кунига қадар ҳудудий босқичда ғолиб бўлган иштирокчилар ўртасида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

7. Танловлар 7–13, 14–18, 18–30 ёшлилар ўртасида алоҳида гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтказилади.

3-боб. Танлов шартлари ва баҳолаш мезони

8. Танлов иштирокчилари белгиланган тартибда Ташкилий қўмита томонидан халқ таълими ҳамда адлия органлари билан ҳамкорликда тузилган тест синовларини топширади.

9. Тест синовлари ёш гуруҳларига мос равишда қуйидаги тартибда тузилади:

она-тили ва адабиёт фанидан 20 та савол;

Ўзбекистон тарихи фанидан 20 та;

ҳуқуқшунослик фанидан 60 та.

10. Тест синовлари:

она-тили ва адабиёт фанидан ҳар бир саволга тўғри жавоб учун 0,7 балл;

Ўзбекистон тарихи фанидан ҳар бир тўғри жавоб учун 0,7 балл;

ҳуқуқшунослик фанидан ҳар бир тўғри жавоб учун 1,2 балл билан баҳоланади.

4-боб. Ғолибларни аниқлаш ва уларни тақдирлаш

11. Танлов ғолиблари Ташкилий қўмита томонидан танлов иштирокчиси топширган тест синовлари натижаси бўйича тўплаган балли доирасида аниқланади.

12. Тест натижаларига кўра, энг юқори балл тўплаган учта иштирокчи Ташкилий кўмитанинг биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганлигини аниқ кўрсатиб берган қарори билан тасдиқланади.

13. Танлов ғолибларини тақдирлаш:

биринчи босқич ғолиблари – фуқаролар йиғини раислари томонидан бевосита маҳалла аҳолиси ўртасида “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағидан ажратиладиган пул маблағлари ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлими диплом ва эсдалик совғалари билан;

иккинчи босқич ғолиблари – сектор раҳбарларининг диплом ва эсдалик совғалари билан;

учинчи босқич ғолиблари – туман (шаҳар) ички ишлар органлари диплом ва эсдалик совғалари билан;

тўртинчи босқич ғолиблари – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари диплом ва эсдалик совғалари билан;

бешинчи босқичга чиққан ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

14. Танловда ғолиб бўлган ёшлар ота-оналарининг иш жойи ва доимий яшаш жойидаги фуқаролар йиғинида ички ишлар органлари раҳбарияти томонидан тантанали тарзда тақдирланади ва уларнинг ота-оналарига “Миннатдорчилик хати” юборилади.

15. Танловнинг барча босқич ғолиблари ички ишлар органлари веб-сайтига жойлаштирилади ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилинади.

5-боб. Яқуний қоидалар

16. Мазкур Низом талабларини бузган шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган таъсир чоралари кўрилади.

17. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқич ғолибларини тақдирлашга сарфланган маблағлар “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан қопланади.

18. Танловнинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи босқичлари бўйича ғолибларни тақдирлашга сарфланган маблағлар қуйидаги тартибда қопланади:

3-ўринни олганлар учун Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши маблағлари ҳисобидан;

2-ўринни олганлар учун Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан;

1-ўринни олганлар учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан.